

## Демография

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 1862,8 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 19,3 минг кишига ёки 1,0 фоизга кўпайди.

Ҳисобот даврида аҳолининг табиий ўсиши 15,2 минг кишини ташкил этди. 2017 йил январь-сентябрь ойида аҳолининг кўчиб келиш ва кўчиб кетиш миграция сальдоси, дастлабки маълумотларга кўра, -1,7 минг кишини ташкил қилди. (Кўчиб келганлар 5,3 минг киши, кўчиб кетганлар 7,0 минг киши).

2017 йил январь-сентябрь ойида аҳолининг табиий ҳаракати қуйидагича ифодаланади:

	Минг нафар			Ҳар 1000 кишига	
	2016 йил	2017 йил*)	ўсиш, камайиш (+,-)	2016 й	2017 й*)
Туғилганлар	28,5	27,1	-1,4	20,6	19,5
Ўлганлар	6,0	6,0	0,0	4,2	4,3
шу жумладан бир ёшгача болалар**)	0,3	0,2	-0,1	9,3	8,7
Табиий ўсиш	22,5	21,1	-1,4	16,4	15,2
Никоҳлар	10,6	10,6	0,0	7,7	7,6
Ажралишлар	1,2	1,4	0,2	0,9	1,0

2017 йилнинг январь-сентябрида туғилганлар сони 27,1 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилга нисбатан, туғилиш коэффициенти 1,1 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиш даражаси Ғиждувон туманида (23,5 дан 21,3 промиллега), Бухоро туманида (18,7 дан 17,7 промиллега), Пешкў туманида (18,7 дан 17,6 промиллега), Шофиркон туманида (23,0 дан 21,2 промиллега), Олот туманида (22,6 дан 20,4 промиллега), Вобкент туманида (21,0 дан 20,4 промиллега) кузатилди. Жорий йилда туғилишнинг энг паст даражаси Бухоро шаҳрида (15,6 промилле) бўлгани кузатилди.

2017 йил январь-сентябрда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вилоят бўйича ўлганлар сони 6,0 минг кишини ташкил қилди. Ўлганлар сонининг кўпайтиш ҳолати эса Олот туманида (4,1 дан 4,5 промиллега), Бухоро шаҳрида (4,5 дан 4,8 промиллега), Когон туманида (4,8 дан 4,9 промиллега), Қорақўл туманида (4,1 дан 4,5 промиллега), Жондор туманида (3,8 дан 4,2 промиллега) Шофиркон туманида (4,2 дан 4,5 промиллега) кузатилди.

\*) Дастлабки маълумот

\*\*) ҳар 1000 туғилганларга

Энг кўп ўлим ҳоллари Когон туманида (5,0 промилле) бўлиб, энг кам ўлим ҳоллари Қоровулбозор туманида (3,0 промилле) кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 3,6 минг та (60,0 фоизи), бахтсиз ходисалардан 0,4 минг та (6,6 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 0,3 минг та (5,0 фоизи), саратон касалликлари 0,6 минг та (10,0 фоизи) ва юқумли касалликлардан 0,1 мингта (1,7 фоизи) бошқа касалликлардан 1,0 мингта (16,7 фоизи) вафот этган.

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил 1 октябрь ҳолатига бир ёшга тўлмайдиган болалар сони 242 тани ташкил қилди. Гўдақлар ўлими 2016 йилнинг январь-сентябрида 9,3 промилле бўлиб, 2017 йил январь-сентябрида 8,7 промиллени ташкил этди.

Жами бир ёшга тўлмайдиган болалардан перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 126 та (52,1 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 31 та (12,8 фоизи) вафот этган.

**Никоҳлар ва ажралишлар.** 2017 йилнинг январь-сентябрида ФХДЁ органларида 10558 та никоҳлар ва 1361 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,6 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 7,7 та) ва 1,0 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 0,9 та) тўғри келади.

**Миграция.** Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 5247 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 7046 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1799 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 1522 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Бухоро шаҳрида (минус 1943) Когон шаҳри ва Пешкуда (минус 298), Гиждувон (минус 381) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январь-сентябрда қуйидагича ифодаланади:

Ҳар 1000 кишига

